# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 16 август, № 159 (5326) Сешанба


## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 2011 йил 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**«Жаҳон» АА**

**Ўзбекистон — Корея Республикаси:**

## ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

***Бир неча юз йиллар давомида шаклланиб келган Ўзбекистон ва Кореянинг бир-бирига бўлган дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат муносабатлари давлатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги босқичда ривожланиши йўлида икки мамлакат халқларини яқинлаштиришга хизмат қилишда давом этиб келмоқда.***

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланишига Корея Республикаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини эътироф этган 1991 йил 30 декабрда асос солинди. Дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 29 январда ўрнатилди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида қизғин сиёсий мулоқотлар олиб борилмоқда. Ўтган давр ичида ўнта олий даражадаги учрашув амалга оширилгани ҳам бунга далил бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойида амалга оширган давлат ташрифи чоғида давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилган ҳамда уни янги сифат босқичига олиб чиққанини ифодалаган Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган эди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи амалий вазиятда, дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Ташриф чоғида кенг кўламга эга бўлган икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан музокаралар олиб борилди ва унинг якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2010 йил февраль ойида амалга оширган давлат ташрифи томонлар стратегик ҳамкорликни, олдинги учрашувлар чоғида эришилган келишув ва шартномалар ижросининг таъминланишини янада ривожлантириш тарафдори эканлигини тасдиқлади.

Давлатларимиз ўртасидаги турли соҳалар бўйича олиб борилаётган икки томонлама ҳамкорлик 200 дан зиёд ҳужжат асосида тартибга солиб келинади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир-бирининг минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган турли масалаларга ёндашувини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон Корея Республикасининг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги мулоқотда воситачилик ролини мустаҳкамлаган ҳамда унинг халқаро майдондаги нуфузи ва таъсирининг ошишига хизмат қилган тадбир — 2010 йил ноябрда Сеулда ташкил этилган "Катта йигирмалик" саммитининг муваффақиятли ўтганини олқишлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Жанубий Корея ҳукуматининг ўзаро манфаат ва биргаликда равнақ топиш тамойилларига асосланган корейслар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларини эътиборга олган ҳолда, Корея Республикасининг олти томонлама музокаралар доирасида Шимолий Кореядаги ядро муаммосини тинчлик йўли билан тартибга солиш борасидаги ёндашувини қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда).

## БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

### сирдарёликлар эришаётган муваффақиятларда ўз ифодасини топмоқда



***Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида жойларда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Эътиборлиси, улар томонидан тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бораётир.***

Айтиш жоизки, бундай ижобий ўзгаришлар самараси ҳамда юксак муваффақиятлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлаётгани, шубҳасиз.

Сирдарёликлар ҳам барча юртдошларимиз каби ушбу қутлуғ шодиёнани кўтаринки кайфият билан қаршилашга ҳозирланмоқдалар.

Ўтган йигирма йилга назар ташласак, Сирдарё вилоятида асрга татигулик ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Бу қисқа давр ичида вилоят маркази янада гўзаллашиб, бири-биридан чиройли, муҳташам тураржойлар, турли ижтимоий иншоотлар, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилиб, Гулистон шаҳри "Мирзачўл гавҳари" деган ном олди. Дарҳақиқат, бугунги Гулистон кўчаю хиёбонларини кезган киши уни том маънода гавҳарга менгзайди.

Гулистон — гўёки, чўлдаги дур шаҳар. Шаҳарда тадбиркорлик йилдан-йилга ривож топмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Маълумки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Бугунги кунда юртимизда ушбу қонунчилик ташаббусларини ҳаётга жорий этиш бўйича изчил ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

### Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси олдидан

Шу йилнинг 26-27 август кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, замонавий банк-молия тизимида кредит олувчиларнинг молиявий ҳолати ва тақдим этилган лойиҳаларини таҳлил қилишдан ташқари, қарзнинг қайтмаслик хатарини камайтиришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бунда, табиийки, қарз олувчилар тўғрисида ахборотга эга бўлиш айни муддаодир. Бу эса кўп вақт ва маблағ талаб этади.

Кредит ахбороти қарздорнинг қарзни қандай қайтарганлиги, агар у бошқа шахсларнинг кредитлари учун кафиллик берган бўлса, уларни қай тариқа бажарганлиги хусусидаги маълумотлар ҳисобланади. Кредит ахбороти алмашинуви тизими эса кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослаштирилган махсус ташкилотлар, қарз берувчи, қарздорлар, ахборот-коммуникация воситалари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади.

Эътиборли жиҳати, бунда банклар, кредит ташкилотлари, нотариат идоралари, кадастр, лизинг ва суғурта компаниялари ҳамда бошқа корхоналарнинг маълумотлари ахборот манбаи саналади. Бундай ахборотдан фойдаланувчилар жумласига банклар, бошқа молия-кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, суғурта ва лизинг компаниялари) киради. Кредит ахбороти қарздорлар тўғрисидаги маълумотни ихтисослаштирилган ташкилотларга юбориш ёки улардан олиш орқали алмашинилади. Бу жараён баъзи давлатларда кредит бюроси, айримларида эса Марказий банкнинг махсус бўлими орқали амалга оширилади.

Кредит ахбороти алмашинуви мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлгани боис юртимизда кредит ахбороти алмашинувининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кредит ахборотини ҳисобга олишнинг икки поғонали тизими — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси ташкил этилди. Улар тижорат банкларининг кредиторлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, салоҳиятли қарз олувчилар ҳақидаги ахборот билан таъминлаш, банк тизимида кредит хатарини камайтириш ҳамда кредит интизомини мустаҳкамлаш бўйича изчил фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти тижорат банклари ва уларнинг қарз олувчилари кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш билан шуғулланмоқда, шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит ахборот бюроларига кредит ахбороти бериш каби хизматларни кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу ғамхўрлик туфайли бугун ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлаётир.***

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

### ижодига мансуб лойиҳалар муносиб рағбатлантирилди

Пойтахтимиздаги муҳташам Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан энг фаол йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида ўтказилган тантанали тадбирда бунга яна бир бор амин бўлдик.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ахборот маркази (UNIC) ҳамда Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашдилар.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар негизида инсон манфаатларини таъминлаш, хусусан, эртанги кун эгаларини мустақил ва теран тафаккур соҳиблари, соғлом ҳамда баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғвор мақсадлар мужассам.

(Давоми 2-бетда).

## БУНЁДКОРЛИК, АҲИЛЛИК ВА ЮКСАК ШИЖОАТ

### юртимизда бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида яққол намоён бўлди

Жорий йилда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллиги кунини йигирманчи бор нишонлаймиз. Ана шу қутлуғ сана бугун ҳар бир юртдошимиз қалбида ғурур, дилида сурур уйғотаётгани рост. Зеро, истиқлол — буюк неъмат. Уни асраб-авайлаш, эъзозлашга бўлган кучли иштиёқ эса ҳар биримизни хайрли ишларга даъват этмоқда. Эзгу мақсадни дилга тугиб қишлоғу маҳаллаларни обод, саришта этишга чоғланган юртдошларимиз ташаббусини кўриб, бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан, 13-14 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарини ҳам ана шундай хайрли ташаббуслар самараси, деб эътироф этиш мумкин. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналари арафасида ўтказилган мазкур умумхалқ тадбирида 16,5 миллион аҳоли қатнашиб, 30 минг 700 гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, қарийб 24 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланди, 15 миллион 800 тупдан зиёд дарахт оқланди ва уларга шакл берилди.

Айтиш жоизки, умумхалқ ҳашари нафақат ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасидаги ишлар, балки ушбу кунларда кенг қамровда ташкил этилган меҳр-мурувват, хайр-саховат тадбирлари билан ҳам аҳамиятли бўлди.

(Давоми 2-бетда).

***Бугун истиқлолдан сайқал топган кўҳна Регистоннинг маҳобати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу одамни ўзига мафтун этувчи гўзаллик қадимий шаҳарга замонавий руҳ бахш этиши билан бирга, ҳадемай афсонавий шаҳарда дунё мусиқачилари ва санъат аҳлини ром этиб улгурган "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг бошланишидан ҳам дарак бермоқда.***

## БОҚИЙ ОҲАНГЛАР ТАРАННУМИ

— Бу нуфузли анжумандан кўзланган мақсад, жаҳон аҳлини гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида янада яқинлаштиришдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Шунинг учун бўлса керак, ушбу анжуманни нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам интиқиб кутадиган бўлишди. Буни йилдан-йилга иштирокчилар сафи кенгайиб, қатнашиш истагини билдираётган мамлакатларнинг сони кўпайиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин. Агар 1997 йилда "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалида 31 мамлакатдан меҳмонлар келган бўлса, 2009 йилда ўтказилган фестивалда 49 мамлакатдан 300 дан зиёд ижрочилар ташриф буюрган. Жорий йилда ушбу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

**Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи**

## ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ УЙҒУНЛИГИ

***Ғўза — иссиқсевар ўсимлик. Бу йилги об-ҳавонинг одатдагидан бирмунча юқори бўлиши экинлар ривожи учун айни муддао бўлса, бошқа томондан, уни чанқатиб қўймаслик учун қўшимча чора-тадбирлар кўришни ҳам тақозо этаяпти.***

Бундай шароитда, айниқса, ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаяётган август ойида масъулиятни ҳар қачонгидан ошириш зарур. Боиси айни пайтда деҳқоннинг фидокорона меҳнати туфайли шоналар — гулларга, гуллар — кўсакларга айланиб, хирмон баракасини белгилайди.

Жорий мавсумда сув танқис бўлиши баҳордаёқ маълум эди. Шунинг учун биз 42 гектар майдонга қадалган чигитни ернинг табиий намига ундириб олдик. Натижада ҳар гектар ер ҳисобига 1200 кубометрдан сув иқтисод қилинди. Шу йўсиндаги ҳаракатимиз экин парваришининг кейинги даврларида ҳам изчил давом эттирилди. Августга қадар ғўзаларга икки марта сув тараб, икки маротаба маъданли ўғитга тўйдирдик. Экин парваришини август ойида янада кучайтирганимиз ўз самарасини берди. Ҳозир ҳар туп ниҳолда 12 — 14 тадан бўлиқ кўсак бор. Яна ҳам қувонарлиси, экин ривожи бултургидан ўн кун илгарилаб, ҳатто нишона ҳосил кўзга ташланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Qishloq Qurilish Bank

***ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Президентимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида 2009 йили ташкил этилган эди.***

***Банк жамоаси Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича изчил ишлар олиб бораётгани туфайли ўтган қисқа вақт ичида муайян ютуқларга эришди.***

**«Қишлоқ қурилиш банк»:**

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мазкур ҳужжатда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш банкнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилган эди.

Банк бунинг уддасидан чиқиш мақсадида асосий эътиборни молиявий барқарорликка эришиш, капиталлашув даражасини ошириб, ресурс базасини мустаҳкамлаш, самарали банк хизматларини йўлга қўйиш асносида мижозлар доирасини кенгайтиришга астойдил интилди.

Натижада банк капитали 2011 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 186,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йил бошидагига нисбатан қарийб 151,1 млрд. сўмга ошди. Жумладан, устав капитали 136,0 млрд. сўмга кўпайди.

Бугунги кунда банкнинг 41 филиали ҳамда чакана хизматларни кўрсатувчи 300 га яқин шохобчалари орқали 340000 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахс мақомидаги мижозларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг II чорагидан бошлаб, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида “Хўжаобод” филиали иш бошлади. Бундан ташқари, филиаллар қошида бир қатор янги минибанклар, жамғарма ҳамда халқаро пул ўтказиш шохобчалари ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, мустаҳкам ресурс базаси ва мавжуд капиталнинг ҳажми банк активлари миқдорининг барқарор ўсишини таъминламоқда. Масалан, ўтган вақт мобайнида банкнинг соф активлари қарийб 706,2 млрд. сўмга ўсган бўлса, унинг кредит қўйилмалари ҳажми 600,0 млрд. сўмга ортиб, 2011 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банк кредит портфели миқдори 734,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

> Албатта, банк ўзининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, Юртбошимиз ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларида, хусусан, мамлакатимиз қишлоқларининг замонавий қиёфасини шакллантириш, намунавий лойиҳалар асосида аҳоли учун тураржойлар барпо этиш, инфратузилмасини ривожлантириш, унга саноатнинг, замонавий сервис хизматларининг кириб келишини қўшимча рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айтайлик, 2009 — 2010 йиллар давомида қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 7647 та тураржой қурилишини молиялаштириш учун умумий ҳисобда 480,0 млрд. сўмдан ортиқ мақсадли маблағлар, шунингдек, аҳоли маблағларини жамлаш ва уларнинг босқичма-босқич йўналтирилиши таъминланган бўлса, 2011 йилда Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда қурилаётган 7400 та тураржой қурилишини молиялаштириш мақсадларига жами 565,0 млрд. сўмдан ортиқ мақсадли маблағлар сарфланиши режалаштирилган.

Бу борада, айниқса, банкнинг пудратчи корхоналар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳалари бўйича узоқ муддатли банк кредитлари ажратилиши ижобий натижаларни бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан банкда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг турли йўналишдаги лойиҳаларини молиялаштириш ишлари янада фаоллаштирилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган етти ойи якунларига кўра, кичик бизнес соҳасига ажратилган кредитлар миқдори 116,0 млрд. сўмдан ортганлиги бунинг исботидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш тадбирлари доирасида банк томонидан “Энг яхши бизнес режа”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг ёш тадбиркор”, “Энг яхши аёл тадбиркор” каби турли номинациялар танлови ташкил этилди. Ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар байрам арафасида муносиб тақдирланиб, уларга имтиёзли кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи дипломлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Банкнинг чакана хизматлари ҳажмини пластик карточкалар, “Интернет-банкинг” ва “SMS-банкинг” каби замонавий технологияларга асосланган хизмат турлари ҳисобига кенгайтириш, аҳолига ўз даромадларини кўпайтириш, кафолатланган ҳолда сақлаш имкониятларини берувчи омонатлар турларини жорий этиш борасида ҳам амалий тадбирлар кўрилмоқда. Табиийки, бу каби қамровли тадбирлар банкнинг умумий молиявий ҳолати, чунончи, сифат кўрсаткичлари юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2010 йил натижалари бўйича банк молиявий кўрсаткичлари ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳолати “Прайсвотерхаус” ташқи аудиторлик компанияси томонидан ўрганилиб, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори баҳоланди. Бундан ташқари, банкнинг мамлакат молиявий хизматлар бозоридаги тутган мавқеи ва фаолиятида қўлга киритаётган натижалари таҳлили асосида “Moody`s Investors Service” халқаро рейтинг компанияси банкка аввалги йилда берилган барча кўрсаткичлар бўйича **“Барқарор”** рейтинг баҳосини 2011 йил 18 апрелида яна бир бор тасдиқлади.

Куни кеча эса мамлакатимизда фаолият юритувчи “Ahbor-reyting” миллий рейтинг агентлиги томонидан ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ка миллий шкала бўйича **“uzA+”, “Юқори”** даражасидаги кредит рейтинги берилгани ва ушбу рейтинг прогнози **“Барқарор”** деб баҳолангани ҳам банкнинг бугунги фаолиятидаги муваффақиятларни ифодалаб турибди.

**«Қишлоқ қурилиш банк»**
**Ахборот хизмати.**

Qishloq Qurilish Bank

«Ahbor-Reyting»
рейтинг агентлиги томонидан

Рейтинговое Агентство “Ahbor-Reyting”

**очиқ акциядорлик тижорат банки**
**«Қишлоқ қурилиш банк»**
**фаолиятига миллий рейтинг шкаласи бўйича**
**uzA+**
**Юқори**
**кредит рейтинги берилди.**

*Рейтинг берилган сана — 2011 йил, июль.*

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Ахборот маркази телефонлари:**
**(+99871) 150-93-39, 150-39-93.**
E-mail: info@qqb.uz
www.qishloqqurilishbank.uz

1074H/510

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
## Қашқадарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2011 йил 12 апрелдаги 1-4060/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Туркистон Файзли оромгоҳи» МЧЖга қарашли, Қарши шаҳри, Бешкент йўли 3-км.да жойлашган ошхона биноси, майдони 4163,28 кв.м., ошхона биноси, майдони 133,77 кв.м., пиво бари, майдони 44,87 кв.м., қоровулхона, майдони 22,04 кв.м. ва минимаркет, майдони 43,61 кв.м., кафе «Бир зумда», майдони 44,44 кв.м., ёрдамчи бино, майдони 56,00 кв.м., айвон, майдони 60,80 кв.м., ҳовли девори, майдони 7,17 кв.м., темир дарвоза, майдони 0,20 кв.м., темир эшик, майдони 0,05 кв.м. ва майдони 12,30 кв.м. бўлган темир-бетон панель девордан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

**2.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 29 апрелдаги 18-1103/15676-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Ғарбий саноат масканида жойлашган, «Евроқурилиш» МЧЖга қарашли, умумий майдони 726,23 кв.м. бўлган савдо мажмуаси ва омборлар бинолари ҳамда умумий майдони 1391,33 кв.м. бўлган офис ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 131 532 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58.**

*Лицензия: RR-0001.*

1064R/773

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

*телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қилади.*

Танлов ўтказиш муддати — **2011 йил 14 октябрь**.
Танлов ўтказиш жойи: **Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали**.

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР**

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| **I. Теледастурларни тарқатиш** | | | |
| 1-лот | 8-телевизион канал (частоталар полосалари 190,0 — 198,0 МГц) | 1000 Вт | Жиззах шаҳри ва Жиззах тумани |
| 2-лот | 12-телевизион канал (частоталар полосалари 222,0 — 230,0 МГц) | 100 Вт | Андижон шаҳри, Андижон вилояти ва қисман Наманган вилояти |
| 3-лот | 44-телевизион канал (частоталар полосалари 654,0 — 662 МГц) | 1000 Вт | Андижон шаҳри, Андижон вилояти ва қисман Наманган вилояти |
| 4-лот | 5-телевизион канал (частоталар полосалари 92,0 — 100,0 МГц) | 100 Вт | Фарғона шаҳри ва қисман Фарғона вилояти |

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| **II. Радиодастурларни тарқатиш** | | | |
| 5-лот | 102,7 МГц | 700 Вт | Тошкент шаҳри ва қисман Тошкент вилояти |
| 6-лот | 102,7 МГц | 1300 Вт | Андижон шаҳри, Андижон вилояти ва қисман Наманган ва Фарғона вилоятлари |
| 7-лот | 102,7 МГц | 250 Вт | Урганч шаҳри ва Хоразм вилояти |
| 8-лот | 102,7 МГц | 250 Вт | Термиз шаҳри ва қисман Сурхондарё вилояти |
| 9-лот | 102,7 МГц | 250 Вт | Нукус шаҳри ва атроф туманлари |
| 10-лот | 102,7 МГц | 1000 Вт | Навоий шаҳри, Навоий вилояти ва қисман Самарқанд вилояти |
| 11-лот | 106,9 МГц | 250 Вт | Қўқон шаҳри ва шаҳар атрофи ҳудудлари |
| 12-лот | 106,9 МГц | 250 Вт | Тошкент вилояти, Нуробод қўрғони |
| 13-лот | 106,9 МГц | 250 Вт | Зарафшон шаҳри ва атроф туманлари |
| 14-лот | 102,5 МГц | 250 Вт | Жиззах шаҳри, Жиззах вилояти ва қисман Самарқанд, Сирдарё вилоятлари |
| 15-лот | 103,1 МГц | 250 Вт | Бухоро шаҳри, қисман Бухоро ва Навоий вилоятлари |
| 16-лот | 100,5 МГц | 2000 Вт | Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти |
| 17-лот | 106,5 МГц | 2000 Вт | Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти |
| 18-лот | 102,4 МГц* | 1000 Вт | Қисман Фарғона ва Андижон вилоятлари |
| 19-лот | 100,5 МГц* | 500 Вт | Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти |

*** РРТМдан ижара шарти билан***

**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни бошлаш муддати — 2011 йил 16 август.**
**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати — 2011 йил 14 сентябрь.**

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзилида қабул қилинади. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-46-13, 239-84-57, 239-48-55.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, радиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишиш мумкин.

1063R/987

“ГАЗ” РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
150 48 20
E-mail:
transneft66@mail.ru

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

TNK Transneftkomplekt
ООО “Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ” расмий дилери “Transneftkomplekt” ташкилоти




Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667

**«Potolok-stroy-servis» ХК**

Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм,
610 x 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

36R/1238

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**
**ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

O3




САНОАТ МОЙИ И-20А 4496,6 ▲+2077,5




МОТОР МОЙИ М14 В2 4166,6 ▲ +818,5




БЕНЗИН АИ-80 1878,0 ▼ -54,0




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2780,7 ▲ +56,4

# БОҚИЙ ОҲАНГЛАР ТАРАННУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе, жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, улар ўртасидаги тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг роли ва аҳамияти катта. Шу боис ҳам бу ғоянинг мазмун-моҳиятини теранроқ ифода этиш мақсадида Самарқанднинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, боғу роғларида Истиқлолимиз ва фестивални мадҳ этувчи плакатлар, эзгуликка ундовчи шиорлар илинган. Йўл четидаги гуллардан таралаётган ифор кўнгилни қитиқлайди, кўтаринкилик бахшида этади. Айниқса, асосий тантаналар ўтадиган жой — “Регистон” майдони меҳмону мезбонларни ҳайратда қолдирмоқда.

— Бу гал тўртинчи бор “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини томоша қилиш учун келдим, — дейди ўзини Мишель Жума деб таништирган кувайтлик сайёҳ. — Мазкур санъат анжуманига нисбатан бутун дунёнинг қизиқиши ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Бунда эзгулик, меҳр-оқибат, инсонийлик, ТИНЧЛИК тараннум этилади. Шу боис Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бугун анъанага айланган мазкур фестивални қадрламоқ керак. Чунки ушбу мусиқа фестивали “Дунёни ҳамиша эзгулик қутқаради”, деган ғояга ҳамоҳанглиги туфайли умуминсоний аҳамиятга молик анжумандир.

Қадим Самарқандга ташриф буюрган турли миллат ва элат вакилларининг қўшиқлари ҳамда мусиқаларида ана шу эзгулик акс этади. Зеро, мусиқага ошно кўнгилда ёмонлик уруғи унмайди, ёвузлик ниш урмайди. Айнан шундай улуғ ҳикматни ўзига сингдирганлиги боис ҳам, “Шарқ тароналари”нинг довруғи, донғи оламга достон бўлиб бормоқда.

Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни топиш қийин. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда, фарзандларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасида ўтказиладиган халқаро анжуман ва маҳорат сабоқлари санъат соҳасида олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотларни ўрганишда, ёш авлодни мусиқа маданияти тарихидан баҳраманд этишда муҳим ўрин тутади. Шу маънода, ”Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилгани барчамизга ғурур бағишлайди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЬ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

***12 август куни Хитойнинг Шенчжен шаҳрида XXVI Бутунжаҳон Универсиада ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Universiade SHENZHEN 2011

Таъкидлаш керакки, талаба-ёшлар ўртасида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ушбу мусобақада иштирок этиш ва совриндорлар сафидан жой олиш ўта масъулиятли ҳамда шарафли вазифа ҳисобланади. Шу боис Бутунжаҳон Универсиада баҳсларида совринли ўринлар учун баҳс кескин ва муросасиз ўтади. Маълумотларга кўра, бу галги мусобақада дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган ёшлар спортнинг 26 тури бўйича медаллар учун кураш олиб боришмоқда. Шу жумладан, 21 нафар ҳамюртимиз ҳам спортнинг дзюдо, бадиий гимнастика, енгил атлетика ва оғир атлетика турлари бўйича баҳсларда қатнашмоқдалар.

Қувонарлиси, мусобақанинг дастлабки кунлариданоқ дзюдочи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Шерали Жўраев финалда иштирок этиб, терма жамоа ҳисобига кумуш медални тухфа этди. Тўқсон килограммгача вазн тоифасида гиламга чиққан юртдошимиз финалгача бўлган беллашувларда мўғулистонлик Саинжаргал Батбаяр, германиялик Марк Андре Одентал, руминиялик Валентин Радуни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда россиялик Абдул Омаровга қарши беллашган спортчимиздан омад бир оз юз ўгирди.



Шу ўринда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини фахр-ифтихор билан айтиш зарур.

Универсиада баҳсларида вакилларимиз мунтазам совриндорлар сафидан жой олиб келаётгани эса, айниқса, қувонарлидир. Хусусан, 2003 йилда Жанубий Кореянинг Тегу шаҳри мезбонлик қилган Универсиадада дзюдочиларимиз Абдулла Тангриев ва Эгамназар Акбаров олтин, Мурод Холиқулов кумуш, Михаил Соколов ва теннисчи Оқгул Омонмуродова бронза медални қўлга киритди. Орадан икки йил ўтиб, Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган баҳсларда эса эркин курашчимиз Дилшод Мансуров олтин медаль билан тақдирланган эди. 2007 йилда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ташкил этилган галдаги Универсиадада дзюдочи Хуршид Набиев олтин медалга сазовор бўлган. Бундан икки йил муқаддам Сербиянинг Белград шаҳрида ўтказилган мусобақада дзюдочилар Ўткир Қурбонов ва Габит Есимбетов бронза медаллари билан тақдирланишганди. Энг муҳими, Бутунжаҳон талабалар ўйинларидан ғолиб бўлиб қайтаётган спортчиларимизнинг аксарияти мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг юқори бўғини — Универсиада мусобақаларида кашф этилган спортчилар ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, Хитой мамлакати мезбонлик қилаётган навбатдаги беллашувларда қатнашаётган ёшларимиз ҳам юксак кўрсаткичларни забт этишга ҳар томонлама қодирдирлар. Нега деганда, улар шу пайтгача мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишганди. Хусусан, бадиий гимнастикачилар Ульяна Трофимова ва Жамила Раҳматовани олайлик. Мана, бир неча йилдирки, улар Осиё ўйинлари, қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ҳамда Гран-при мусобақаларида муносиб иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, жорий йилда Қозоғистонда ўтган Осиё чемпионатида Ульяна Трофимова иккита кумуш, Жамила Раҳматова эса битта кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлганди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган бошқа спортчиларимиз ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Универсиада беллашувлари 23 августга қадар давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

● Реклама ●











КЎМИР (БПК) 88,3 ▲ +0,4




ШИФЕР (1 лист) 15922 ▲+1093




ПАХТА ЁҒИ 1673,6 ▼ -13,4

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5